“Ўзбекистон республика валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ)нинг 2023 йил (октябрь-декабрь) учун
Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги
ҲИСОБОТИ

№	Амалга ошириладиган ишлар	Бажарилиши	Асос
I. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича механизм ва ҳуқуқий асосларнинг яратилганлиги			
1.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти тартибини белгиловчи ички низом ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	ЎзРВБнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 154-сонли буйруғининг 1-иловаси билан ички низом тасдиқланган.	Тасдиқланган ички низомнинг электрон (PDF) формати билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/normativ-uuij-va-ichki-uzhzhatlar/
2.	Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларининг бузилиш хавфларини камайтириш мақсадида бир йилга мўлжалланган "йўл харитаси" ишлаб чиқилганлиги ва тасдиқланганлиги.	ЎзРВБнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 154-сонли буйруғининг 1-иловаси билан 2023-2024 йилларга мўлжалланган “йўл харитаси” тасдиқланган.	Тасдиқланган “йўл харита”нинг электрон (PDF) формати билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/normativ-uuij-va-ichki-uzhzhatlar/
3.	Рақобат чекланишига, шунингдек рақобат ёки табиий монополия шароитларида истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари камситилишига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлар ҳақида хабар беришга мўлжалланган алоқа воситалари ташкил этилганлиги.	ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида “**Рақобат чекланганлиги ҳақида хабар бериш**!” номли саҳифа яратилди; - мазкур соҳага оид мурожаатларни қабул қилиш мақсадида “@uzrvb_bot” телеграм боти ва Call-марказ (55 501-33-02) фаолияти йўлга қўйилди.	ЎзРВБнинг расмий веб-сайтида яратилган “**Рақобат чекланганлиги ҳақида хабар бериш**!” номли саҳифага қуйидаги ҳавола орқали кириш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/interaktiv-hizmatlar/raobat-cheklanganligi-aida-habar-berish/?action=form

4.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот сифатли ва ўз вақтида тақдим этилганлиги ва расмий веб-сайтга жойлаштирилганлиги.	Монополияга қарши комплаенс ҳақидаги ҳисобот Рақобат қўмитасига белгиланган вақтда тақдим этилди ва ташкилотнинг расмий веб сайтига жойлаштирилди.	ЎзРВБнинг 2023 йил 25 декабрдаги 03-550-сонли хати орқали юборилди. Расмий веб-сайтга жойлаштирилган ҳисобот билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/isobotlar/
II. Рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилиши хатарларини аниқлаш, баҳолаш ва уларнинг олдини олиш бўйича тадбирлар амалга оширилганлиги			
5.	Фаолиятга тегишли материалларни ўрганиш натижасида (шу жумладан, рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормаларни аниқлашга қаратилган ички ҳужжатлар хатловдан ўтказишда) аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси.	Ҳисобот даврида ЎзРВБ ички ҳужжатларни ўрганиш давомида рақобатни ёки истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклайдиган нормалар ҳамда қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.	ЎзРВБ ички ҳужжатлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/normativ-baza/onunchilik-uzhzhatlari/
6.	Аниқланган қонунбузилишлар ва камчиликларни бартараф этиш ҳамда келгусида йўл қўймаслик бўйича кўрилган чоралар.	Ҳисобот даврида қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.	
7.	Фаолият давомида олди олинган қонунбузилиш ҳолатлари сони ва соҳаси.	Қонунбузилиш ҳолатлари мавжуд эмас.	
8.	Ташкилот фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланганлиги ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги.	Ҳисобот даврида ЎзРВБ фаолиятида рақобат чекловларини келтириб чиқариши мумкин бўлган омиллар аниқланмади.	
9.	Қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳалари ўрганилганлиги, бунда рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган нормалар аниқланган тақдирда, уни мазкур қонунчилик ҳужжатлари талабларига мувофиқлаштириш юзасидан тегишли ишлар амалга оширилганлиги.	ЎзРВБ раҳбариятига 2023 йил давомида тақдим қилинган жами 277 та (195 та буйруқ, 82 та фармойиш) ҳужжат ҳамда ЎзРВБда қабул қилинадиган ички ҳужжатларнинг лойиҳалари Фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш бошқармаси томонидан дастлабки ҳуқуқий экспертизадан ўтказилади ва бир вақтда мазкур ҳужжатларнинг	ЎзРВБ ички ҳужжатлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/normativ-baza/onunchilik-uzhzhatlari/

		рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлаштириш ишлари амалга оширилади.	
10.	Рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари ўзгаришларидан келиб чиқиб, идоравий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан ишлаб чиқилган таклифлар ва уларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги.	ЎзРВБда тизимли равишда рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига киритилаётган ўзгаришлар ўрганиб борилади. Янги қабул қилинаётган қонунлар ҳамда қонунчилик ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрланиб, электрон шаклда ходимларга етказиб келинмоқда.	
11.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларда чиқишлар.	Монополияга қарши комплаенс тизими фаолияти юзасидан ЎзРВБ ижтимоий тармоқларда қуйидаги мавзулар ёритилди: 1. Ўзбекистон Республикасининг “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни мазмун-мойиҳати; 2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 2 мартдаги 114-сон “Монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори мазмун-мойиҳати; 3. ЎзРВБ фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминлаш; 4. ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизим.	ЎзРВБ ижтимоий тармоқларда ёритилган тадбирлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/tadbirlar/
III. Давлат органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича амалга оширган ишлари			
12.	Ташкилотда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва унинг фаолият юритишини таъминлаш мақсадида ваколатли шахс (бўлинма) тайинланганлиги, унинг зарур ресурслар ва бошқа моддий-техник база билан таъминланганлиги.	2023 йил 1 октябрдан ЎзРВБда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш ва самарали фаолият юритишини таъминлаш учун масъул шахс тайинланди.	ЎзРВБнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 154-сонли буйруғи
13.	Ташкилот раҳбарлари томонидан ҳайъат йиғилишлари ва бошқа йиғилишларда ташкилот фаолиятининг рақобат тўғрисидаги қонунчилик	ЎзРВБ Бош директори ва унинг ўринбосари томонидан таркибий бўлинмалар бошлиқлари ва ходимлар иштирокида бўлиб ўтадиган йиғилишларда коррупцияга нисбатан муросасиз	Ўтказилган йиғилиш ва учрашувлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин:

	талабларига мувофиқлигини таъминлаш масаласи кўриб чиқилганлиги.	бўлиш, таркибий бўлинмада белгиланган коррупцияга қарши назорат ва тартиб-таомилларга амал қилиниши ҳамда коррупцияни ҳар қандай кўриниши бўлишидан қатъий назар чоралар кўрилиши маълум қилиб келинмоқда.	https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/tadbirlar/
IV. Ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олишга оид ички тартиб-таомиллардан хабардорлиги ҳамда ушбу соҳада билим ва кўникмаларини ошириш бўйича тадбирларнинг амалга оширилганлиги			
14.	Ҳисобот йилида ходимларнинг рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талаблари бўйича билим ва кўникмалари оширилганлиги.	ЎзРВБ ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини етказиш учун жорий йилнинг октябрь ойида техник-ўқув курслари ташкил этилди.	ЎзРВБнинг 2023 йил 29 сентябрдаги 154-сонли буйруғи ҳамда ўтказилган тадбирлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/tadbirlar/
15.	Ташкилот ходимларини рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига риоя этиш бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга оид махсус ўқув дастурлари, қўлланмалар мавжудлиги.	ЎзРВБ ходимларига рақобат тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳияти тушунтириш бўйича семинар, маъруза ва слайд шаклида тушунтириш ишлари олиб борилди.	Тайёрланган маълумотлар билан қуйидаги ҳавола орқали танишиш мумкин: https://uzrvb.uz/uz/korporativ-faoliyat/monopoliyaga-arshi-komplaens/tadbirlar/